



НЕМИС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДАГИ ТУРҒУН БИРИКМАЛАРНИНГ ТАРЖИМА ҚИЛИНИШ ТАРАҚҚИЁТИ

Юсуфжонова Шахло Мухторовна

Фарғона давлат университети, Чет тиллар факультети
“Немис ва француз тиллари” кафедраси, немис тили ўқитувчиси
e-mail: usufzonovasahlo@gmail.com
<https://doi.org/10.5281/zenodo.7680049>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 18-fevral 2023 yil
Ma'qullandi: 24-fevral 2023 yil
Nashr qilindi: 27-fevral 2023 yil

KEY WORDS

ходисалар, фразеологик
бирликлар, нутқ,
умумлаштирилган маъно,
лексик – семантик бирлик,
метафора, парадигма.

ABSTRACT

Аслида фразеология - турли хил филологик текширувларнинг машхур соҳаси ҳисобланади. Олимларнинг фикрларига кўра фразеологик бирликлар маданият ҳодисалари сифатида тушуниш билан боғлиқ бўлиб, уларнинг маданий хусусиятлари улар иштирок этган гапларда ўрганилади. Шундай қилиб, “фразеологизм” сўзи социоллингвистика фани доирасига киритилди. Фразеологик бирликларнинг энг яхши таърифларидан бири қуйидагича: бу қисман ёки тўлиқ мажозий маънога ега сўзларнинг барқарор, изчил бирикмасидир.

Бирор-бир тил, ўша тилнинг адабиёти, ўз қобигига ўралган ҳолда ривожлана олмайди. Миллий тил ва адабиётлар хаамиша бир-бирига таъсир кўрсатиб, бир-бирини тўлдириб, ривожлантириб келган. Бунда тил ўзаро алоқа воситаси сифатида таржима майдонга чиқади.

Ўзбекистоннинг мустакилликка эришиши шарофати билан нафақат жахон сўз санъатининг илғор тамойиллари ва тажрибаларини ўзлаштириш, шунинг баробарида, миллий адабиёти ютуқларини дунё миқёсига кенгрок олиб чиқиш имкониятига ҳам эга бўлди. Бу эса халқаро алоқа воситаси бўлмиш таржимасиз амалга ошмайди.

Хозирги шароитда бадий таржима амалиёти, ўзаро алоқалар ва шунга бевосита боғлиқ равишда қиёсий тилшунослик, адабиётшунослик хар қачонгидан ҳам ривожланиши, тилшунослик, адабиётшунослик илмининг етакчи йўналишларидан бирига айланиши керак. Бу - давр талаби.

Ушбу тадқиқотнинг мақсади немис ва ўзбек тилларида миллий ва маданий муносабатни ифода этувчи фразеологизмларни қиёсий тадқиқ этиш ва у орқали миллий-маданий қарашлар ўртасидаги умумийлик ва фарқланишларни аниқлашдан иборат. Хозирги кунда турли тизимдаги тиллардан ўзаро таржима қилиш масалаларини чуқуррок тадқиқ этиш ва шу йўсинда амалга оширилган мавжуд таржималар тажрибасини ижодий ва илмий ўрганишнинг метод-усулларини ишлаб чиқиш ҳам долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Фразеологик ибораларнинг миллий — маданий хусусиятлари мавзусида жуда кўп илмий тадқиқотлар жахон

тилшунослигида, шунингдек, ўзбек тилшунослигида олиб борилган, бугунги кунда тил бирликларининг семантик-синтактик хусусиятларидан кўра прагматик хусусиятлари, яъни уларнинг кишилар нутқида қўлланиш жараёнидаги муаммолар кўпроқ тадқиққа тортилмоқда. Сабаби айнан бугунги кунга келиб тилшунослик ўз тадқиқот мақсадига тўғри ёндашиш -фойдаланувчи омилини биринчи планга олиб чиқишга эътибор қаратмоқда.

Хар бир тилда миллий ва маданий хусусиятлар мавжудки, бу белгилар тилнинг халқ психологиясини, оламини англаш даражаси ва хусусиятлари билан боғлиқ бўлади. Айнан таржима жараёнларида миллий-маданий тушунчалар билан боғлиқ лингвистик бирликлар масаласи қийинчилик келтириб чиқаради. Таржима назариясида бу жиҳатлар кам эътибор берилган ва кўпинча амалиётда тилнинг бу нодирликлари вариантлар билан зўрма зўраки ёпилиб кетилади. Мазкур тушунчалар таржимасига тор мутахассислик доирасида чуқур ёндашиш таржима қилинаётган асар қимматини ошириш билан бирга таржима назарияси такомиллашуви ҳамда когнитив лингвистика ривожини орқали тил эгалари ҳамда таржима қилинган тилда сўзлашувчиларнинг лисоний олам манзарасини бойитишга хизмат қилади.

Фраземаларнинг миллий-маданий хусусиятлари тўлиқ ўрганилмай туриб, уларни бир тилдан иккинчи тилга таржима қилиб бўлмайди. Бундай лингвистик таҳлил таржима бўлаётган тил доирасида ҳам ўтказилгандан сўнг фраземаларнинг эквивалентлик ҳолатларини аниқлашга киришиш зарур. Таржима ва таржимашунослик масалалари тилшуносликнинг қадимий ва мунтазам такомиллашиб борувчи соҳаси саналади. Бир тил доирасида когнитив билимларнинг ўзгариши, ўз навбатида, таржима луғатларида ҳам муайян ўзгаришлар содир этилишини талаб қилади. Айрим лексик бирликлар билан бир қаторда луғавий маъно ифодаловчи фразеологик бирликлар ҳам ўзига хос эътибор ва когнитив ёндашувни талаб этади. Уларга бошқа лексик бирликлар қаторида бир хил муносабатда бўлиш мазмуний ва услубий хатоликларни келтириб чиқаради

Таржимашуносликнинг ўз конун-қоидалари мавжуд булиб, бунда фан, санъат ва тафаккур уйғунлашади. Айниқса, ўзбек ва Европа тиллари матнларини ўзаро таржима жараёнларида миллий-маданий белгилар мос келмаслиги кўп учрайди. Бу ҳолат тилнинг турғун бирикмалари — иборалар, тасвирий ифодалар ва мақол-маталлар таржимасида янада долзарблашади. Тилнинг турғун бирикмалари шаклан синтактик қурилишли булиши билан бирга мазмунан умумий семантик бутунликка эгадир.

Олимлар таржима ва таржимашуносликнинг асосий масалаларидан бири бўлган икки тил бирликлари ўртасидаги эквивалентлик муносабатларини ўрнатишга эътибор қаратади ва миллий-маданий белгига эга бўлган бирликларни қуйидагича таснифлашни таклиф қилади:

1. Шахс маъносини билдирувчи миллий-маданий характердаги бирликлар. Масалан, ўзбек тилида мавжуд булган худо зўрми, кудо(а) зурми фразеологик бирлиги ҳатто ўзбек тилининг ўзида ҳам шаклий ва мазмуний номутаносибликка эга булиб, бу бирлик талқинида тўлиқ шаклий ёндашув нихоятда катта хатоликларни келтириб чиқаради.

2. Нарса-буюм маъносини билдирувчи миллий-маданий характердаги бирликлар. Масалан, ўзбек тилида эркак кишига нисбатан бел(-им/-инг/-и/имиз/-ингиз)да

белбоги(-им/-инг/-и/-имиз/-ингиз) бор шакли нафакат ахборот бериш, балки бутунлай бошка мазмун — прагматик тушунча ифодалайди. Бу мазмуннинг англаниши миллий-маданий хусусиятлар билан боглик бўлиб, таржима жараёнларида соҳа мутахассиси агар бу билимларга эга бўлмаса, матн мақсади етарлича етказиб берилишни таъминлай олмайди.

Шунингдек, тадқиқотчиларимиз тил эквивалентлари орасидаги муқобилликни қўйндаги йўллар орқали амалга ошириш мумкинлигига эътибор қаратади:

Биринчи идеал йўл бош сўзни таржима тилда мавжуд бўлган сўз билан алмаштириш, бу йул субституция деб аталади ва бирон бир товуш ўрнини бошка товуш билан алмаштирилишини англатади. Бунда барча семантик, стилистик, узуал ҳамда коммуникатив эквивалентлик тўла мос тушади.

Иккинчи йул — бош сўзнинг таржима тилидаги эквивалент билан маълум даражада семантик фарқланиши натижасида табақалаштирилган тафовутлар мавжуд бўлган эквивалентлар орқали таржима қилинади. Масалан, немис тилидаги — absagen сўзи ўзбек тилига “кунмаслик, унамаслик, инкор килмок, рад килмок, воз кечмок, бахридан ўтмок” каби сўз ва сўз бирикмалари орқали таржима қилиниши мумкин.

Учинчи йул — семантик “холис” таржима булиб, таржимага олинаётгани бирлик, яъни “бош сўз”нинг бир канча синонимлари бўлишига қарамасдан, факат “холис” бир сўз билан таржима қилинади, деб талқин этадилар. Таржимада воситачи вазифасини рус тили бажаришини ҳаммамиз ҳам яхши хис этамиз: инглиз, француз, итальян, роман тиллари ва х-золар. Шунингдек, немис ва ўзбек тиллари ўртасида воситачи вазифасини рус тили

бажариши эхтимолдан холи эмас. “Рус тили воситачи тил сифатида ўзига хос “метатил” вазифасини адо этиши мумкин — деб тўғри белгилайди олимлар. Унинг ёрдамида немис ва ўзбек тилларидаги лексема, фраземаларнинг муқобиллик холатларни аниқлаш имкони бўлади, яъни немис тилидаги лексеманинг рус тилидаги эквивалентини ўзбек тилига таржима қилиш орқали бунга эришиш мумкин. Ёки ўзбек тили лексемасининг рус тилидаги эквивалентини немис тилига таржима қилиш орқали эквивалентлик муносабатлари ўрнатилади. Ушбу таржима усулини қўллашда немисча-русча, русча-узбекча луғатлар билан бирга рус тили орқали немис тилидан ўзбек тилига, ўзбек тилидан немис тилига қилинган қатор бадий асарлар таржималаридан ҳам кенг фойдаланиш мумкин.

Матнларни таржима қилишда эквивалентлик ходисасига таянилади. Эквивалентликнинг эса семантик, стилистик, узуал ҳамда коммуникатив турлари фарқланади. Бугунги илм-техника ривожланган замонда машина таржималари тобора оммалашиб бормоқда. Тил корпуслари яратилиб, уларда матнларнинг автоматик таржимаси осон ва қулай амалга оширилмоқда. Аммо жараён техник ва технологлар билан бирга тилшунос, таржимашунос олимларнинг ҳам катта кўмагига муҳтож бўладикки, улар тил бирликларининг ўзаро эквивалентлиги — муқобиллиги масаласини хал қилишда лингвистик назарияларга асосланадилар.

Матнларни автоматик ёки анъанавий тарзда у тилдан бу тилга таржима қилишда, айниқса, фразеологизмлар борасида масала жиддийлашади. Бунинг сабаби, бир томондан, фразеологизмларнинг лингвистик белгиси билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, тил тизимида уларга етарлича, ўзига хос таърифлар берилиб, уларнинг тил

системасидаги ўрни аниқ белгилаб берилмагани билан боғланади. Немис ва ўзбек тиллари ўзаро ноқариндош тиллар хисобланганлиги сабабли ҳам уларнинг тузилиши, синтактик ҳамда услубий қурилиши бирбиридан тубдан фарқ қилади. Бу эса, ўз навбатида таржима ишларини қийинлаштиради. Аммо тил эгалари маданий қарашларида шундай уйғун жихатлар мавжудки, бу уларнинг когнитив билимлари, дунёқарашлари билан боғлиқ.

Тил системасида сатхлараро таснифида ўз белгилари асосида етарлича тадқиқ этилмаган фразеологизмлар ўз мазмун-мундарижасида бошқа ҳеч бир тил бирлигида қайтарилмайдиган маъно, ифода ҳамда имкониятни сақлайди. Уларни тадқиқ этиш ўрганилаётган ҳар икки тил прагматикаси ривожини учун ҳам фойдали булади.

Ишнинг иккинчи боби “Таржима лугатлари тузишда фраземалар эквивалентлилигини ўрнатишнинг назарий тамойиллари” деб номланиб, бобнинг “Фраземанинг мустикал луғат бирлиги макоми ва лисоний хусусиятлари” номли биринчи фаслида фраземаларнинг тил луғат таркибида тутган ўрни масаласи тадқиқ этилган. Унда фраземалар таржимаси, улар таржимасида йўл қўйилган, қўйилаётган хатолар; уларни бартараф этиш йуллари ҳақида сўз боради. Давр ўтиши билан ўзбек тилидаги шакли ўзгарган фразеологик birlikларнинг тахлили ҳам диққатга сазовор, масалан: Отимнинг ўлишини билсам бир коп кепакка алмашардим — Отамнинг ўлишини билсам, бир кафт (чакса) / бир коп кепак / сомонга алмашардим — Энамнинг ўлишини билсам, бир кафт (чакса) / бир коп кепак / сомонга алмашардим — Момоннинг ўлишини билсам каби мазмуни туркий халқлар, хусусан, ўзбеклар ҳаёт тарзи, урф-одатларига умуман мос эмас, балки бутунлай зид фразеологизмларнинг тахлиллари ва х-золар.

“Фразеологик лугатларда фраземалар таржимасини такомиллаштиришда миллий-маданий хусусиятларнинг ифодаланиш масаласи” луғатлар ва уларда фразеологик бирикмаларнинг берилиши, айниқса, таржима жараёнларида миллий-маданий тушунчаларнинг эътиборга олиниши масаласи атрофлича тахлил килинган. Луғат ва луғатшунослик борасида И.Г.Ольшанский, Л.Э.Бинович, А.В.Кунин, И.Рецкер каби олимлар ҳамда проф. М.Э.Умархужаев ва К.Н.Назаровлар томонидан тартиб берилган “Немисча-русча-ўзбекча фразеологик луғат” ларга алоҳида тўхтаб ўтилган. Уларда фразеологик бирикмалар ва уларни таржима килиш жараёнида миллий-маданий тушунчаларнинг сақланиши ёки ўзгариши масаласи ўрганилган.

Фразеологик луғатда изоҳ фразеологик birlik маъносининг тўлиқ лексикографик тавсифини, бошқача айтганда оламнинг фразеологик манзарасини тўла акс эттирсагина ўзини оқлайди. Ўзбек тилининг синонимларга бой экани, тилда метафоризация жараёнларининг кучлилиги, фраземаларда полисемия, синонимия ҳодисаларининг кенг кузатилиши семантик ўхшашлигига кўра нафақат лексемалар, балки фраземаларни ҳам қиёсий ўрганиш, маъно нозикликларини фарқлашни тақозо қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Кибрик А.А. Языковая картина мира // Энциклопедия Кругосвет. – М., 2002. С.49.
2. Яковлева Е.С. Фрагменты русской языковой картины мира // Вопросы языкознания. – 1994. № 5. – С.73–89.
3. Сираева Р.Т., Фаткуллина Ф.Г. Фразеологическая картина мира: основное содержание

и признаки // Современные проблемы науки и образования. – 2014. –№ С.34–43–58;
<http://www.science-education.ru/ru/article/view>.

4. Шкатова В. В.. Фразеологическая картина мира как объект лингвистического изучения. // 2014 С.26. https://cyberleninka.ru/viewer_images/14630401/f/1.png.

5. Бабкин А. М. Русская фразеология, ее развитие и источники. – Ленинград, 1979. – С.7.

6. Abdurazzakov Y.U. Use of non- standard forms and methods in a foreign lesson.- Academia: Gospodarka I Innowacje, 2022.- 1003-1010 b.

7. Abdurazzakov Y.U. Organizing lecture activities effectively foreign languages.- Academia: Galaxy international interdisciplinary research journal(GIIRJ), 2022

8. Abdurazzakov Y.U. About the Problems of Language Teaching to Little Children.- Academia: International Journal of Culture and Modernity, 2022

9. Mukammal U. Kosimova. (2022). THE DEVELOPMENT PROCESS OF THE SUBJECT OF STYLISTICS AND ITS MAIN TASKS. CURRENT RESEARCH JOURNAL OF PHILOLOGICAL SCIENCES, 3(11), 1-7.

10. M.U. Kosimova (2022). DIFFERENT CLASSIFICATION OF FUNCTIONAL STYLES. Ученый XXI века, (4 (85)), 7-9.

11. Mukhtorovna, Y. S. (2021). Regularly used phrasal verbs German language. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal, 11(3), 673-680.

12. Yusufjonova, S. (2021). Certain linguistic peculiarities of phraseological units. Scientific Bulletin of Namangan State University, 2(2), 289-293.

13. Mukhtorovna, Y. S. (2022). Historical Development of Translation of Phraseological units. International Journal of Culture and Modernity, 14, 20-29.

14. Yusufjonova, S. (2020). COMPARATIVE ANALYSIS OF PHRASES IN UZBEK AND GERMAN. Theoretical & Applied Science, (2), 590-592.

15. Yusufjanova, S. M. (2022). GENERAL PROBLEMS OF TRANSLATION OF PHRASEOLOGICAL UNITS. CURRENT RESEARCH JOURNAL OF PHILOLOGICAL SCIENCES (2767-3758), 3(02), 30-35.

16. Yusufjonova, S. M. (2019). Set phrases in German language. International Journal of Student Research, (3), 80-83.

17. Юсуфжонова Шахло Мухторовна ТАРЖИМА МУАММОЛАРИНИНГ УМУМЛАШТИРИЛГАН ТАВСИФИ. МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА, 2022/7/1 94-98.

18. Shakhlokhon Mukhtorovna Yusufjonova. PHRASAL VERBS WITH “HEART” IN GERMAN AND OTHER FOREIGN LANGUAGES. NOVATEUR PUBLICATIONS JournalNX- A Multidisciplinary Peer Reviewed Journal ISSN No: 2581 - 4230 VOLUME 8, ISSUE 1, Jan. -2022, 109-117.

19. Yusufjonova Sh.M. Nemis va o'zbek tillarida frazeologik brikmalarning ma'no jihatdan birhilligi va farqi UO'K 808.3. XORAZM MA'MUN AKADEMIYASI AXBOROTNOMASI – 12/2021_366-368.

20. Шахло Мухторовна Юсуфжонова Миллий ва маданий хусусиятлар доирасида немис ва ўзбек тилларидаги фразеологик бирликларнинг тавсифланиши ISSN 2181-0842 VOLUME 4, ISSUE 2 FEBRUARY. 2023 SCIENCE AND EDUCATION SCIENTIFIC JOURNAL VOLUME 4 ISSUE 2.1705-1714.

21. Н Ахмаджонов, А Рўзиматова. ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАР НЕМИС ХАЛҚИ МИЛЛИЙ

МАДАНИЯТИНИНГ КЎЗГУСИДИР. О'ЗБЕКISTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMIY TADQIQOTLAR JURNALI.

УДК:40/42/48. IISS: 2181-3302.SJIF:4.621 2022. 08.20. 10-Son. Б.104-109

22. Axmadjonov Nurbek, Xabibullayeva D. CLASSIFICATION AND LINGUOCULTROLOGICAL CHARACTERISTICS OF PRECEDENT UNITS. FARS INTERNATIONAL JOURNAL OF EDUCATION, SOCIAL SCIENCE HUMANITIES. ISSN: 2945-4492. 10(12); 2022; Impact Factor: SJIF 2022 6.786. P. 777-780

23. Шукуров Раҳматилло филология фанлари номзоди, доцент Ахмаджонов Нурбек ф.ф.б.ф.д (PhD) БАДИЙ МАТНЛАРДА ПРЕЦЕДЕНТ НОМЛАРИНИНГ МЕТАФОРИК АҲАМИЯТИ ҲАҚИДА. IJODKOR O'QITUVCHI JURNALI. 5 YANVAR / 2023 YIL / 25 – SON. ISSN: 2181-2330. Impact Factor: SJIF:4.833. 2022. B.155-159

24. Шукуров Раҳматилло филология фанлари номзоди, доцент Ахмаджонов Нурбек ф.ф.б.ф.д (PhD) ПРЕЦЕДЕНТ БИРЛИКЛАРИНИНГ ТАДҚИҚИ ВА ТАСНИФИ. О'ЗБЕКISTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMIY TADQIQOTLAR JURNALI. IISS: 2181-3302.SJIF:4.621. 14-SON. 20.12.2022. B.1235-1237

25. Nurbek Akhmadjonov, Gulzoda Dadamirzayeva Signs of a precedent name (example of the name "Berliner Mauer"). "Science and Education" Scientific Journal / Impact Factor 3.848 (SJIF) January 2023 / Volume 4 Issue 1. Б.1178-1183

26. Шукуров Раҳматилло филология фанлари номзоди, доцент, Ахмаджонов Нурбек ф.ф.б.ф.д (PhD). ЖАҲОН ВА ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИДА ПРЕЦЕДЕНТ НОМЛАРИНИ ТАДҚИҚИ. О'ЗБЕКISTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMIY TADQIQOTLAR JURNALI. IISS: 2181-3302.SJIF:4.621. 15-SON. 20.01.2023. B.233-239

27. Axmadjonov Nurbek, Islomjonova Jasmina. BADIY MATNDA ALLYUZIV ANTROPONIMLARINING XUSUSIYATLARI Journal of Advanced Research and Stability Volume: 03 Issue: 01 | Jan - 2023 ISSN: 2181-2608

INNOVATIVE
ACADEMY